

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****335 Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва
бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қара-
тиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш
ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–396-сон Қонунига мувофиқ, Ижро варақалари ёки суд буйруқлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 120-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 8 июль,
229-сон

28 (736)-сон

— 5 —

335-336-моддалар

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 8 июлдаги 229-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет
ташкilotларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 7-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ижро варақаси ёки суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилиши мумкин».

2. 8-банднинг иккинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Агар ижро варақаси ёки суд буйруғи судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилган бўлса, унинг асл нусхасини илова қилиш талаб этилмайди».